

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТУЎҚИМАЧЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РАЗИКОВ АКМАЛ ЭРГАШЕВИЧ

ХОРИЖ БОЗОРЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОС ЭКСПОРТБОИ
МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ
(«Ўтўқимачилик саннат» уштинмаси минсоллиди)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иктисодиёт фанлари бўйича филозофа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филозофии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Рашиков Акмал Эргашевич

Хориж бозорлари талабларига мос экспортдан махсулотлар ишлаб
чиқаришни ташкил этиши («Ўзбекистон текстиль ва кийим
индустрияси»)

3

Рашиков Акмал Эргашевич

Организация производства экспортноориентированной продукции,
соответствующей требованиям зарубежных рынков (на примере
ассоциации «Узтекстильпром»)

27

Rashikov Akmal Ergashevich

The organization of production an export oriented product, satisfied the
foreign market requirements (at the example of Association
«Uzbekistan textile and garment industry»)

31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РАЗИКОВ АКМАЛ ОРГАШЕВИЧ

ХОРИЖ БОЗОРЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОС ЭКСПОРТБОН
МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
(«Ўзтуқимачилик-сааноат» уюшмаси мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича филозофия доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аниқлаштириши)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда охириги 15-20 йил давомида тўқимачилик sanoati ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Иктисодиётнинг глобаллашуви натижасида «тўқимачилик ишлаб чиқариш маркази Европа ва АКШдан «сунчици дунё» мамлакатлари, хусусан, Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка давлатларига кўчи»¹. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи йиллик ялпи ички маҳсулот даражаси паст бўлган аксарият, ривожланаётган давлатларда тўқимачилик sanoati жadal ривожланмоқда. Даромад даражаси ўртача бўлган давлатлар эса Ушларини, шунингдек, яқин миқтакавий бозорларни ҳам тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаётти. Ривожланган давлатларда техник тўқимадан ташқари, тўқимачилик sanoati маҳсулотлари деярли ишлаб чиқарилмайди. Истеъмол товарларига талаб асосан, импорт ҳисобига қондирилмоқда. Европада тўқимачилик шўъба корхоналарини ташкил этиш ривожланган бўлиб, бу ҳолат тўқимачилик бўйича савдо балансининг кўтарилишига олиб келмоқда. Иктисодиётда хомашё захиралари катта ўрин тутадиган мамлакатларда ҳам тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилинмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, унинг истеъмоли ҳамда экспорти, сифатини оширишга асосланган инновацион йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунда табиий товлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга нисбатан ишлаб чиқариш самардорлиги икки марта юқори бўлган сунғий товлар ҳамда сунғий товлардан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, трикотаж-тикувчилик sanoatини инновацион ривожлантиришда «аксин» тўқимачилик матоларини яратиш, электрон тўқимачилик матоси, фал мато, шунингдек, антимикроб мато яратиш, улардан тайёр ткувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик sanoati, жумладан трикотаж, ипақчилик, ткувчилик каби тармоқларини модернизациялаш, экспортбоп, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Тўқимачилик ва ткув-трикотаж sanoatida амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жadal ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қудай шарт-шароитлар яратиш, тўқимачиликда яримтайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга инвестициялар ҳажминини ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш»² бугунги кунда тўқимачилик корхоналари олдидagi устувор вазифа сифатида белгиланган. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг узлуксиз шакллариини жорий этиш мамлакатимиз тўқимачилик

¹ www.oecd.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва ткув-трикотаж sanoatини ривож қилишга алоҳида эътибор қаратиш ва унинг экспорт қилинишига асосланган чора-тадбирларни тўғрилади» қарори

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Махкамаси хурушида Олий аттестация комиссиясида В2017.1.РФВ/14570 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида баҳариланган.
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdii.uz) ва «ZiyoNet» тизими ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Йўлдошев Нуриддин Курбонович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: **Хошимов Акрам Абдуевич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ғайбазарова Зумрат Талатовна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етафчи ташкилот: **Фаргона политехника институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иктисодиёт университети хурушида илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 11-сентябрдаги мажлисида бўлиб ўтди. Маълумат: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdii@tdii.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университети ахборот-ресурслар марказида танишш мумкин (____ рақамли билан рўйхатга олинган). Маълумат: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75, факс: (99871) 239-28-75, e-mail: tdii@tdii.uz.

Диссертация авторферати 2021 йил «__» _____ кунин таратилди.
(2021 йил «__» _____ даги № _____ рақамли респтр бўйномаси).



Ш.Дж. Эргаштолова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий сессиялар раиси,
и.ф.д., профессор

саноатни ривожлантириш ҳамда экспортбон сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ўз хомашё базасига эга эканлиги пахта хомашёсига қайта ишлов берувчи Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиши учун асос бўлмоғи керак. Республикада тўқимачилик саноати рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатда, сўнгги йилларда бошқарувага нисбатан жараёни ёндашувага асосланган сифат менежментти тизимини жорий этиш, ўзгарувчан бозор шароитида экспортбон, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш борасидаги илмий тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

диссертация талқикоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги 5308-сон «Фаол талбиркорлик, инновацион гоълар ва технологияларни кўлаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўлаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа метабрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Талқикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Талқикот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхона фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва методологик асослари хорижий олимлардан Таха, А.Хэмди, Э.Голдратт, Д.Кокс, Д.Джейкоб, С.Бергланд, М.Ротер, Г.Р.Нив, Д.Шук ва бошқаларнинг илмий изланишларида талқикот этилган ҳамда жараёни бошқарув концепцияси ривожлантирилган³.

³ Таха, Хэмди А. Введение в исследование операций, 7-е издание: Пер. с англ. – М.: Иллителский дом «Иллителс», 2009. –912 с.; Э.Голдратт, Д.Кокс. Цель процесс: непрерывного совершенствования. – М.: Максимум ИД, 2008. –415 с.; Кокс, Д. Новая роль. Как объединить бережливое производство, шесть сигм и теорию ограничений / Д.Кокс, Д.Джейкоб, С.Бергланд. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2011. –400с.; Нив, Г.Р. Пространство Доктора Деминга. Принципы построения устойчивого бизнеса / Г.Р.Нив. – М.: Изд-во

МДХ олимлари С.Б.Белажова, Т.С.Кочеткова, Е.М.Мыльникова, А.В.Щепетов, М.И.Лукиных, Г.А.Ярин ва Р.А.Фатхутдиновнинг асарларида ҳам корхоналарни ташкил этишга нисбатан бошқарувнинг назарий ва услубий масалалари талқикот қилинган⁴.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, жараёни бошқарувнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш, шунингдек, енгил саноатнинг етакчи тармоқларидан бўлган тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари И.Искандеров, Р.Я.Досумов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Н.К.Йўлдошев, Н.М.Махмудов, А.Т.Юсулов, А.А.Хошимов, С.Г.Қодиров, У.А.Шодмонова, Г.М.Остонахулова, Д.С.Насырходжаева, С.Ш.Юсулов ва бошқа бир қатор олимларнинг ишларида ўз аксини топган⁵.

Шу билан бирга, хориж бозорлари талабига мос экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш муаммолари ўзгарувчан бозор талабларини эътиборга олган ҳолда, етарли даражада ёритилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш зарурати талқикот мавзусини ташлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга имконият яратди.

Талқикот мавзусининг диссертация бажаришга оидий таълим муассасасининг илмий талқикот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация талқикоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий талқикот ишлари режасига мувофиқ, ОI-Ф7-132-сон «Тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув ҳисоботи ва инновацион фаолиятнинг назарий ва услубий асослари», Ф-1-12-сон «Маркетинг стратегияси ривожланиши асосида тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари» мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

⁴Алиева Табашева, 2005. –369 с.; Шук Д. Учитесь видеть бизнес-процесс: Практика построения карт потока создания ценности / Д.Шук, М.Ротер. –2-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2008. –257 с.

⁵Белажова С.Б. Управление производственно-объектовой деятельностью промышленного предприятия: дис. ... канд. экон. наук. 08.00.05. – Саранск, 2007. –191 с.; Кочеткова Т.С. Организационно-методическое обеспечение деятельности и проектирования бизнес-процессов текстильных предприятий. Автореф. дис. канд. экон. наук. – Иваново, 2014. –47 с.; Мыльникова Е.М. Организационное управление производством как фактор повышения конкурентоспособности промышленного предприятия: дис. ... канд. экон. наук. 08.00.05. – Пермь, 2010. –166 с.; Шодмонов, А.В. Методы и алгоритмы принятия решений по модернизации технологий и реконструкции предприятий текстильных производств: автореф. дис. ... канд. экон. наук. 08.00.05. – Владикавказ, 2009. –34 с.

⁶Бекмуродов А.Ш., Яри Г.А. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Квартальный доклад. Монография. – Т. ТДУУ, 2004. –112 с.; Болтабаев М.Р. Узбекистон Республикаси Тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: илмий фанлари доктори дисс. автореф. – Т. ТДУУ, 2003. –40 б.; Юлдашев Н.К., Шодмонова У.А. Иқтисодиётни ривожлантириш парадигма этиш концепцияси баъзе ривожланиш асосларидек: илмий фанлари номдаги диссертация. Наманган вилоятиги педагогика маркази. – Т. 2006. –149 б.; Остонахулова Г.М. Иқтисодик тармоқни ривожлантиришнинг стратегияси: илмий фанлари номдаги диссертация. – Т. ТДУУ, 2010. –147 б.; Насырходжаева Д.С. Федеративная стратегия развития промышленных предприятий на территории России. Автореф. дис. канд. экон. наук. – Т. АИ РУУ Институт экономики, 2011. –47 с.; Махмудов Н.М. Модернизация промышленного производства: развитие перерабатывающих отраслей (на примере хлопкоперерабатывающих отраслей Республики Узбекистан). Автореф. дис. канд. экон. наук. – Т. 1993. –43 с.; Якубов С.Ш. Узбекистон Иқтисодий ўсишнинг саноати ривожлантиришнинг имплементация стратегиялари. Монография. – Т. ДИЭ, Ўзбекистон институтини «Lexus Press» нашриёти, 2020. –219 б.

Тадқиқотнинг максали экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:
тўқимачилик sanoati корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг тармоққа хос хусусиятларини асослаш;
тўқимачилик корхоналарида экспортбон ишлаб чиқаришни ташкил этишда жараёни ёндашуving ўрнини асослаш;

экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда сифат менежменти тизимини жорий этиш механизмини қийматлар занжирини бошқариш асосида такомиллаштириш;

тўқимачилик sanoatining истъеъмол бозорини тўйинтириш имкониятларини баҳолаш;
Ўзбекистон тўқимачилик sanoatining экспорт салоҳиятини баҳолаш;

тўқимачилик маҳсулотларини хориж бозорларига йўналтиришда маркетинг тадқиқотларининг ўрнини асослаш;

тўқимачилик корхоналарига халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
хориж бозорлари талабларига мос экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидagi тўқимачилик корхоналари, хусусан, «NIL-GRANIT», «CRYSTAL COLOR TEXTILE», «PLASTEX» MCHl лари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзгарувчан бозор талаблари шароитида хориж бозорлари талабларига мос экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида расмий-майтикий, операцияларини талқик этиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, математик моделлаштириш, иқтисодий тахлил, тизимли ва қиёсий тахлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, таснифлаш, SWOT-тахлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

мოსлашувчан тикувичлик ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, кичик тикувичлик корхоналарини барпо этиш, бўяш-пардозлаш ишлаб чиқаришни модернизациялаб бориш ҳамда экспортбон юкори қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хомашё ўртасядаги оптимал нисбатини таъминлашнинг иқтисодий бошқарув жиҳатдан максалга мувофиқлиги асосланган;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизими корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёnlари, жумладан «тўқиш», «бўяш-пардозлаш» ва «охирги ишлаво бериш» жараёnlарини самарали бошқаришда «рентабеллик» ва «халқаро стандарт талаблари»га устуворлик беришнинг максалда мувофиқлиги асосланган;

тўқимачилик sanoati корхоналарининг тўловга қодирлигини баҳолашда чет эл валютасидаги узок мудатли кредитлар 7%, қисқа мудатли кредитлар

12% дан юкори бўлмаган фоизларда олишнинг максалда мувофиқлиги асосланган;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари ишлаб чиқариши ва «Пахта-тўқимачилик» кластерлари экспорт таркибий ўзгаринининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари халқаро сифат стандартларига мувофиқ маҳаллий стандартлаштириш ва сертифицициялаш тизимини қайта ташкил этишнинг эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тўқимачилик sanoati корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг тармоққа хос хусусиятлари асосланган;

тўқимачилик корхоналарида экспортбон ишлаб чиқаришни ташкил этишда жараёни ёндашуving қўллаш услуби ишлаб чиқилган;

жараёни ёндашуvга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш орқали тўқимачилик маҳсулотлари сифатининг зарур даражасини жорий этиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий бошқичлари асосланган;

республикамызда экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари аниқланган;

тўқимачилик sanoati корхоналарининг кучли ва заиф жиҳатлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг жараёни бошқаруving ривожлантириш бўйича илмий-амалий ёндашувларини қиёсий ва тахлил тахлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган услубий ёндашуv ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотларнинг ахборотлар базаси миллий Давлат статистика қўмитаси ва халқаро нуфузли ташкилотларининг расмий манбаларидан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шулаки, хориж бозорлари талабига мос экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишга онд ёндашувларининг ишлаб чиқилишини, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тармоққа хос асосий хусусиятлари асослаб берилиши, тўқимачилик маҳсулотларини хориж бозорларига йўналтириш стратегияларининг ишлаб чиқилиши, ўзгарувчан бозор шароитида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастурини ражалантиришда маълум ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш лаври узулунга асосланган муқобил вариантлар ишлаб чиқилиши иқтисодиётнинг глобаллашуving шароитида экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамыз тўқимачилик корхоналари экспорт фойдаланиши ривожлантириши

стратегияларини ишлаб чиқишда, тўқимачилик саноатининг экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш параметрларини асослашда кенг фойдаланиш ҳамда «Менежмент», «Ишлаб чиқариш менежменти», «Операцион менежмент», «Бизнес режа тузиш» фанлари бўйича кей-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмаларни тайёрлашда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хориж бозорлари талабларига мос экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича олинган натижалар асосида:

мოსлашувчан тикувчилик ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, кичик мувоҳабчилик корхоналарини барпо этиш, бўяш-пардозлаш ишлаб чиқаришини модернизациялаб бориш ҳамда экспортбон юқори қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хомашё ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлашнинг икτισодий бошқарув жиҳатидан мақсадга мувофиқлиги бўйича таклиф «Ўтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимида, жумладан «PLASTEX» MChJ фаолиятига жорий этилган («Ўтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги 03/18-646-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «PLASTEX» MChJ маҳсулоти экспортни ҳажми 5,2 млн. долларга ортиган;

«Ўтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизими корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари, жумладан «тўқиш», «бўяш-пардозлаш» ва «охирги ишлов бериш» жараёнларини самарали бошқаришда «рентабеллик» ва «халқаро стандарт талаблари»га устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклиф «Ўтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги ишлаб чиқариш корхоналарига, жумладан «NIL-SKANTT» MChJ ва «CRYSTAL COLOR TEXTILE» MChJ фаолиятига жорий этилган («Ўтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги 03/18-646-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «NIL-SKANTT» MChJ ишлаб чиқариш жараёнларини 10% га кичиктаринига эришилган ҳамда «CRYSTAL COLOR TEXTILE» MChJда кўйлақбон газлама ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот рентабеллиги 22% га ва корхона рентабеллиги 18,9% га тенг бўлишга имконият яратилган;

тўқимачилик саноати корхоналарининг тўловга қодирлигини баҳолашда чет эл валютасидаги узок муددатли кредитлар 7%, киска мудатли кредитлар 12%дан юқори бўлмаган фондларда олишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича берилган таклиф «CRYSTAL COLOR TEXTILE» MChJ фаолиятига жорий этилган («Ўтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги 03/18-646-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхонанинг йиллик соф фойдаси 1754,4 млн. сўмга ортиган;

«Ўтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари ишлаб чиқариши ва «Пахта-тўқимачилик» кластерлари экспортни тарқибий ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари халқаро сифат стандартларига мувофиқ маҳаллий стандартлантириш ва сертификациялаш тизimini қайта

ташкил этишни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф «Ўтўқимачиликсаноат» уюшмасини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш фаолиятига жорий этилган («Ўтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги 03/18-646-сон маълумотномаси). Натижада 2030 йил пахта қалава ини экспортни 61,0% дан 26,75% гача камайтириш, шунингдек иш газлама экспорти улушини 7% дан 12,9% га, трикотаж матоси экспортни 6% дан 23% га, тикувчилик-трикотаж буюмлари экспортни 11,7% дан 33,8% га, пайпоқ маҳсулотлари экспортни эса 1,8% дан 4,5% га ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 4 та мақола (3 таси республика, 1 таси хорижий) илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 158 бетин ташкил этиди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЪМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бринтиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ишар қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Хориж бозорлари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг назарий-усlubий асослари» деб номланган биринчи бобда тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг тармоққа хос хусусиятлари тадқиқ этилиб, мослашувчан тикувчилик ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, кичик тикувчилик корхоналарини барпо этиш, бўяш-пардозлаш ишлаб чиқаришини модернизациялаш ҳамда экспортбон юқори қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хомашё ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлашнинг икτισодий бошқарув жиҳатидан мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертацияда таъкидланганича, тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш самаралорининг ошириш, бозор талабига мос равишда юқори сифатли харидорлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳам икτισодий, ҳам ташкилий шартнолар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Тўқимачилик саноатида пахта йигириш корхоналарини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари шундан иборатки, пахта йигириш корхоналари асосан, йигириш-тўқиш, йигириш-трикотаж, йигириш-пайпоқ тўқиш ёки йигириш-тўқиш-пардозлаш ҳамда йигириш-тўқиш-пардозлаш-тикувчилик корхоналари шаклида ташкил этилади.

Тўқиш корхоналари йигириш корхоналари билан бирга ташкил этилса ҳам, йигириш корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳаммасидан тўқиш корхоналарида хомашё сифатида тўлик фойдаланилмайди, ортқича маҳсулотлар, яъни йигирилган ип бошқа тўқимачилик корхоналарига ҳам сотилади.

Пахта йигириш корхоналари алоҳида мустақил корхона шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг маҳсулотларидан бошқа тўқиш корхоналари ёки бошқа тармоқларда хомашё сифатида фойдаланилади. Пахта йигириш корхоналарининг қуввати ундаги урчуслар (камералар) сони ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори билан белгиланади.

Муаллифнинг фикрича, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш энг самарали ҳисобланиб, қуйидагилар билан тавсифланади:

бир неча турдаги маҳсулотлар навбатма-навбат, унча катта бўлмаган серияларда ишлаб чиқарилади. Иш ўринларининг ихтисослаштирилиши ҳар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ташкил этилганда, ҳар бир иш жойининг тўлик бандлигини доимий бажарилувчи операциялар билан таъминлайди;

технологик жараённинг алоҳида босқичларида бажариладиган операцияларнинг бир хилда қайтарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш илгаридан белгиланган технологик жараён асосида олиб бориш имконини яратади;

иш жойини юқори даражада ихтисослашганлиги махсус машина ва дастгоҳлардан фойдаланишда технологик жараённинг бориши тартибига мос ҳолда, жойлаштириш имконини беради. Натيجада, хомашё ва яримтайёр маҳсулотларни ташини айланма фондларга талабни қамайтириш ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларини қамайтириш имконини яратади; ишлаб чиқариш жараёни тавсифи машиналарни қайта жойлаштиришни талаб этмайди. Натيجада, машиналар эмас, уларнинг маълум қисмлари алмаштирилади. Машиналардан яхши фойдаланилади, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қамаяди;

меҳнат тақсимотини амалга ошириш хисобига ишчилар маълум турдаги ишларни бажаришга ихтисослашади. Натيجада улар бажарилган иш услублари тақомиллашади, ишчи малакасидан яхши фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги ошади;

малакали ишчиларни тайёрлаш енгиллашади, меъёрлаш, режалаштириш ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишларини амалга ошириш самарадорлиги ортади.

Диссертацияда таъкидланишича, серияли ишлаб чиқариш ўзгарувчан бозор талаблари шароитида етгилувчан бўлади ҳамда бозордаги талаб ва таъкиф ўзгаришларига осон мослашиш имконини беради. Серияли ишлаб чиқариш, айниқса кичик тикувчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишда катта самарага эга. Чунки тикувчилик маҳсулотлари нафақат сифат кўрсаткичлари бўйича, балки мода йўналишларига, замон талабларига ҳам жавоб бериши керак. Кичик тикувчилик корхоналарида серияли ишлаб чиқариш ташкил этилганда, маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир хил бўлади, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари яратилади.

Натيجада маҳсулот қўшимча харажатлар қамайиши хисобига, яъни ишлаб чиқаришни тайёрлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни ўлаштириш харажатлари ҳар бир донга маҳсулотга эмас, барча партиядоги маҳсулотлар таркибига киритилиши хисобига қамаяди. Бунда корхонада хомашё балансини тузиш, ҳар бир ассортиментдаги маҳсулот учун материаллар сарфи меъёрини белгилаш, оптимал бичим карталарини жорий этиш орқали экспортбоп юқори қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хомашё ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш керак, деб ҳисобланади.

Серияли ишлаб чиқариш ташкил этилганда, кичик тикувчилик корхоналарида меҳнат тақсимотини амалга ошириш, ихтисослашган машина ва дастгоҳлардан фойдаланиш, сифатни таъминлаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари юзага келади. Диссертант томонидан асосланган маъмур таъкифларнинг «PLASTEX» МСb) амалиётига тўғриқ этилиши натижасида, корхона маҳсулоти экспорти ҳажми 5,2 млн. долларга ортади.

Диссертацияда кўрсатилишича, замонавий тўқимачилик саноати корхоналарини бозор муносабатлари шароитида бошқариш мураккаб жараёндир. Чунки корхона менежери ички ва ташқи муҳит таъсирларини ҳисобга олиши лозим. Корхона учун ушнинг ресурслари, персонал, технологиялари, ишлаб чиқариш фондлари ва улар билан боғлиқ муносабатлар тизими ички муҳит бўлса, етказиб берувчилар, бозор конъюнктураси, рақобатчилар, ресурслар бозори ҳолати, истеъмолчилар ташқи муҳит ҳисобланади. Тўқимачилик саноат корхоналари учун ички муҳит билан ташқи муҳит ҳолатини билиш ҳамда прогнозлаш муҳим ҳисобланади.

Ташқи муҳит донмо ўзгарувчан бўлиб, у ноаниқлик ва таваккалчиликка боғлиқ бўлади. Ўзгарувчан бозор муҳити корхоналар фаолиятини ташкил этишга ҳам яқин шартларни белгилайди. Замонавий бозор муҳити шундай шаклланадики, борган сари кўпроқ соғли корхоналарда функционал бошқарув тизимдан жараёни бошқарув тизимга ўтиш зарурлиги аниқлай бошланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кўпчилик тўқимачилик саноат корхоналари функционал бошқарув тизимига асосланган.

Диссертацияда функционал ва жараёни бошқарувни қиссий тахлил қилиш орқали уларнинг моҳияти, афзаллиги ва камчиликлари тадиққ этилган.

Диссертацияда асосланишча, функционал бошқарув ишлаб чиқариш жараёнини оддий, элементар функциялар, ишларга ажратиб, корхона бошқарувиининг иерархик ташкилий тузилмасидан фойдаланиш, шунингдек, корхонани бошқариш таркибий бўлимлар томонидан амалга оширилиши билан тавсифланади. Жараёли бошқариш эса, корхона фаолиятини айрим жараёnlарга ажратиб, корхонадаги жараёнларни танлаш ҳамда корхонани бошқаришни жараёнлар орқали амалга оширишга асосланади.

Ҳозирги кунда, ўзарувчан бозор шароитида тўқимачилик санoати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг асосий муҳим жиҳатларидан бири маҳсулотлар сифати даражаен кўрсаткичларини яхшилашдан иборат.

Маҳсулотлар сифатини бошқариш маҳсулотлар сифати даражасини жорий этиш, таъминлаш ва зарур даражада сақлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш пайтида амалга оширилувчи ҳаракатлар мажмуасидир. Сифатнинг зарур даражасини жорий этиш тўқимачилик санoати маҳсулотларини лойиҳалаш босқичида мамлакатдаги ва хоризлдаги энг илгор фан-техника ютуқлари тахлили асосида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Муаллиф томонидан жараёли ёндашувга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш орқали тўқимачилик маҳсулотлари сифатининг зарур даражасини жорий этиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичлари асосланган:

тўқимачилик маҳсулотларига талаб ва уларнинг сифатини олдиндан кўра билиш;
фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олиб, сифат даражасини шакллантириш, меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш;
компания имкониятларини тахлил қилиш;

сифатли материаллар билан моддий-техник таъминлаш;
ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, машина ва аппаратлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш;
тегишли меъёрий-техник ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ лизинг хизматларини кўрсатиш;

ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари сифатини аниқлаш;
жўнатилмаётган маҳсулотларни оморларда сақлаш, юкларни ташиниш ва сотиш жараёнларида сифатини сақлаб қолиш;
фойдаланувчи ва истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатидан қониқиб даражасини аниқлаш ҳамда баҳолаш.


Диссертациянинг «Ўзбекистон тўқимачилик санoати ишлаб чиқариш салоҳияти тахлили» деб номланган ихкинчи бобида Ўзбекистон тўқимачилик санoатининг истеъмол бозорини тўйинтириш имкониятлари ҳамда экспорт салоҳияти тахлил қилинган. Тўқимачилик маҳсулотларини хоризк бозорларига йўналтиришда маркетинг тадқиқотларининг ўрни асосланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсанoат» уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхонаси, 10 та машинасозлик

корхонаси, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхонаси, шунингдек 91 та пахта-тўқимачилик кластери, «Шарк либослари» дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, «Ўзтўқимачиликэкспорт» ташки савдо компанияси, «Тўқимачиликброк» компанияси, шунингдек, тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи «Енгилсанoатқурилиш» компаниялари фаолият юритмоқда.

Тўқимачилик санoати республика иқтисодиётида энг муҳим ўрилардан бирини эгаллайди, у бозорнинг энг муҳим элементи бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи асосий тармоқлардан ҳисобланиб, республикада истеъмол бозорини тўйинтиришда катта имкониятларга эга.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж санoатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тўқимачилик ва тикув-трикотаж санoатида бошқаришнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги услубларини жорий этиб, рақобатбардош тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўлайитириш ва унинг экспортини кенгайтириш бўйича белгиланган берилган муҳим вазифалар ечими йўналишларидан бири сифатда, тўқимачилик корхоналарининг тўловга қодирлигини ошириши омилилари баҳоланган (1-расм).



1-расм. Тўқимачилик санoати корхоналарининг тўловга қодир эмаслиги ва зарарга инқилишининг асосий омиллари⁶

⁶ Муаллиф ишламаси.

Диссертацияда кўрсатилишича, ҳозирда тўқимачилик саноати Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг муҳим стратегик ва эътиборли ўринни эгалламоқда, жумладан, унга кизикиш кундан-кунга ортиб бормоқда ва шу билан бирга саноатнинг 25% маҳсулотини етказиб берувчи, халқ истеъмоли товарлари билан бевосита бозорга чиқувчи, аҳоли бандлиги юқори ва экспорт салоҳиятини оширувчи тармоқ сифатида бу соҳа республика иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим ўринни эгаллаш лозим.

Муаллиф томонидан тўқимачилик саноат корхоналарининг тўловга қодирлигини баҳолашда чет эл валютасидаги узок муддатли кредитлар 7%, кичка муддатли кредитлар 12% дан юқори бўлмаган фондларда олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

1-жадвал
2017-2020 йилларда тўқимачилик маҳсулотларига ички бозор эҳтиёжини қондириш ҳолати⁷

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2017 й. 1 январь ҳолатига эҳтиёж	2017 й.		2020 й. ҳолатига эҳтиёж	2020 йил ҳақиқатда	
			Ишлаб чиқариш	Таъминот, %		Ишлаб чиқариш	Таъминот, %
Табир газламалар	Мли. кв.м.	431,9	307,5	71,2	590,4	812,5	137,6
Тикув-трикотаж маҳсулотлари	Мли. лона	508,5	342,2	67,3	520,0	712,2	137,0
Пайпок маҳсулотлари	Мли. жуфт	131,1	72,9	55,6	155,9	229,9	147,4

2020 йил «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажми 21,3 трлн. сўмни, шундан йиллик экспорт миқдори 2,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Импортнинг ўрнини босувчи ҳолатда, материаллар ва истеъмоли товарлари 2020 йилда аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 137% га, ёки 473,0 млн. АҚШ долларидан ортиқ ишлаб чиқарилди (2-жадвал).

2-жадвал
«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маҳсулотларининг экспорт ҳажми динамикаси⁸

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Экспорт ҳажми, млн. долл.	1 050,1	1 170,0	1 350,0	2 000,0
Усиш суръатлари, %	100	111,4	115,5	148,1

⁷ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маҳсулотлари асосида муаллиф ҳисоблави.

⁸ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси экспортлари асосида тузилган.

Муаллиф томонидан маҳсулотнинг экспорт таркиби таҳлил қилинган, жами тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортида пахта қалава ишянинг улуши камайиб, ип газлама ва тайёр трикотаж-тиқувчилик буюмлари улуши ортиб бораётгани кўрсатилган. Агар 2017 йилда пахта қалава ишянинг маҳсулот экспорти ҳажмидаги улуши 61% ни ташкил этган бўлса, 2020 йил бу кўрсаткич 38,5% га, тайёр трикотаж-тиқувчилик буюмлари экспортнинг салмоғи эса 18,5% лан 35,2% га, ип газлама экспорти эса 7% дан 9,6% га ортди. Аммо Ўзбекистонда ҳали ҳам экспорт бўйича пахта толаси етакчи ўрнида турибди (3-жадвал).

3-жадвал

**«Ўтўқимачилик саноати» уюшмасининг маҳсулотлар
экспорти таркиби⁹**

Енгил саноат маҳсулотлари экспорти, %	Пахта қалава ипи	Тайёр трикотаж-тиқувчилик буюмлари	Ип газлама	Трикотаж матоси	Пайпоқ маҳсулотлари
2017 й.	61	18,5	7	11,7	1,8
2018 й.	59	25	7	7,8	1,2
2019 й.	44,2	33,8	6,6	14,4	1,5
2020 й.	38,5	35,2	9,6	15,5	2,0

Прогнозлашнинг мисалда йўналтирилган комплекс усулига асосланиб, «Ўтўқимачилик саноати» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти таркибий ўзгаришининг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (4-жадвал).

4-жадвал

**«Ўтўқимачилик саноати» уюшмаси корхоналарида ишлаб
чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти таркибий ўзгаришининг
прогноз кўрсаткичлари, %¹⁰**

№	Маҳсулот тури	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. режа	Прогноз			
							2021 й.	2023 й.	2024 й.	2030 й.
1.	Пахта қалава ипи	61,0	59,0	44,2	38,5	36,4	34,1	33,0	29,8	26,7
2.	Ип газлама	7,0	7,0	6,6	14,4	16,1	18,4	19,5	21,5	12,9
3.	Трикотаж матоси	6,0	8,0	11,0	11,5	13,5	16,1	19,5	21,9	23,0
4.	Тиқувчилик трикотаж буюмлари	11,7	7,8	14,4	15,5	17,0	20,5	24,0	28,5	33,8
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	1,8	1,2	1,5	2,0	2,5	3,0	3,5	4,0	4,5
	Тўқимачилик маҳсулотлари	100	100	100	100	100	100	100	100	100
	Жами, %									

⁹ «Ўтўқимачилик саноати» уюшмаси маҳсулотлари асосидан тузилган.

¹⁰ «Ўтўқимачилик саноати» уюшмаси маҳсулотлари асосидан муаллиф ишлаб чиқилган.

2017 йил «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси экспорт таркибига пахта калава ипи 61,0% ни ташкил этган бўлса, республикамизда «Пахта-тўқимачилик» кластерларини ташкил этиш орқали маҳсулот экспорти ҳажмида хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар улушини камайтириш ҳамда хоризқ бозорлари талабига жавоб бера олувчи сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари улушини ошириш, 2030 йил пахта калава ипи экспортини 26,75% гача камайтириш, шунингдек, ип газлама экспорт улушини 7% дан 12,9% га, трикотаж матоси экспортини 6% дан 23% га, тикувчилик-трикотаж буюмлари экспортини 11,7% дан 33,8% га, пайчок маҳсулотлари экспортини эса 1,8% дан 4,5% га ошириш прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Диссертация ишида «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси тизимдаги корхоналарда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари экспорт географияси таҳлил қилинган, маҳсулотлар асосан Европа, Осиё, Африка мамлакатлари, Шимолий Америка мамлакатларига экспорт қилинганлиги, республикамизнинг тўқимачилик саноати маҳсулоти экспорт буйича юқори салоҳиятга эга эканлиги асосланган (5-жадвал).

5-жадвал

2020 йилда тўқимачилик саноати маҳсулотларини экспорт қилиш географияси¹¹

Импортичи мамлакатлар	Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ доллари	Нисбий ҳажми, %
Европа мамлакатлари	246 973	12,6
Туркия	162 688	8,3
Жаубай Корёя	276 374	14,1
МДҲ	1 195 661	61,0
Хитой	105 845	5,4
Бошқа давлатлар	74 374	3,6
Жами:	1 960 100	100

Республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарида экспортбон тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, халқаро стандарт талабларига мослаштириш қондаларини ишлаб чиқиш ҳисобига Европа иттифоқи тўқимачилик маҳсулотлари бозорига кириб бориш ҳамда 2030 йилга бориб, республикамиз тўқимачилик маҳсулотлари экспортда унинг салмоғини 7% га етказиш имкониятлари мавжудлиги муаллиф томонидан асосланган.

Диссертацияда таъкилланишича, республикамиз тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантиришда, шунингдек унинг экспорт салоҳиятини оширишда, юқори қўшилган қийматга эга, юқори сифатли тайёр тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспорти салмоғини оширишга қаратилган фаолият мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, республикамизда экспортбон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда маркетинг тадқиқотларини бешта йirik йўналиш буйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, рекламани ташкил этиш тадқиқотларини амалга ошириш орқали, яъни харидорларни илҳомлантириш, реклама тестлари, реклама турлари ва уларнинг қийсий самардорлигини ошириш;

иккинчидан, стратегик режалаштириш ва ташкилот сиёсати орқали, яъни қисқа ва узок муддатли прогнозлар қилиш, корхона натижалари таҳлили, бозор имкониятлари таҳлили, яъни диверсификацион ривожланиш имкониятлари, оператив яъни таҳлил, ташкилот ички муҳитининг таҳлили, шунингдек, экспорт бозори кузатувларини амалга ошириш;

учинчидан, ташкилот маъсулияти буйича излавишлар олиб бориш орқали, яъни харидорларни шакллантириш буйича, табиат атроф-муҳит ҳимояси буйича ташкилотнинг ижтимоий маъсулиятини ошириш;

тўртинчидан, бозорни таҳлил қилиш, яъни янги товарларга харидорларнинг муносабати, янги товарлар салоҳияти ва имкониятлари, янги товарларни синаш, товарларни кадоқлаш муаммолари ва уни текшириш буйича ишларни амалга ошириш;

бешинчидан, сотиш имкониятларини тадқиқ этиш, маркетинг излавишларини амалга ошириш, яъни салоҳиятли ёки имкониятли бозорларни аниқлаш, бозор таркибинин, сотув ҳажми ўзгаришларини таҳлил қилиш, синнов маркетингини ўтказиш, сотишни рағбатлантириш тартибинин ўрганиш ишлари орқали амалга оширилади.

Муаллиф томонидан тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси маркетинг стратегиясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари буйича ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, уюшма таркибдаги корхоналарнинг кучли жиҳатлари – хомашё билан таъминланганлик, энг замонавий дастгоҳлар билан қуролланганлик, кадрлар етиштириб беравчи ўқув юрлари мавжудлиги, инфратузилма билан таъминланганлик ва корхоналарда доимо модернизация ва қайта қуролланиш ишлари олиб борилишдан иборат. Шу билан бирга, экспорт фаолиятидаги устуулик томони маҳсулотлар асосан пахта толасидан тайёрланиши, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилиши, маҳсулотларнинг ташки бозорлардаги нархи нисбатан пастлигидир.

Кучсиз жиҳатлари эса, айланима маблағларнинг тақчиллиги, корхоналар раҳбарларнинг ақсариёти соҳани билмаслиги, асосий мутахассислар етишмаслиги, шаҳарларда жойлашган корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг қўнимсизлиги, мавжуд тикув-трикотаж корхоналари бир сменада ишлаши, маҳсулот сифатининг жаҳон андозалари талаблари даражасида эмаслиги, маҳсулотларнинг ташки бозорларга етказиб беришнинг нисбатан каммалиги ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон тўқимачилик саноати маҳсулотларини хоризқ бозорларига йўналтириш ҳамда тўқимачилик корхоналарига халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш

11 «Ўзбекистон Республикаси» уюшмаси ҳисоботлари асосида тузилган.

асосланган. Ўзгарувчан бозор талаблари шароитида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда кўрсатилишича, тўқимачилик саноати Ўзбекистон иктисодиётининг хориж бозорларига юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни йўналтириш орқали, унинг экспорт салоҳиятини ошириб бораётган энг истиқболли тармоқларидан ҳисобланади. Йилдан-йилга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми ҳамда экспорт географияси кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда тармоқ корхоналари томонидан «Fadollì Ricci», «Samo», «Buka», «IDEAL», «BONITO KIDS», «TAKHI», «Element», «T-SOD», «ROUND ROOFS», «Molto CALDO», «LOTTE Mart», «Oodji», «GLORIA JEANS», «Спортмастер», «Zolla», «TRUSSARDI», «JKA», «Lotto», «FUN DAY», «ESSENTIEL ANTWERP», «OMSA», «FRUIT OF THE LOOM», «MiNiMi», «Pepsi», «BOXEUR DES RUES», «CALLIOPE ITALIA», «DeFacto», «O'STIN», «Карра», «FILD», «Теттанова» сингари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди билан 66 та хориж бозорига экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати маҳсулотлари сифатига хориж бозорларидаги ишонч юқори эканлигини дунё тўқимачилик маҳсулотлари бозорида юқори пуфузга эга «Reebok», «Umbro», «PUMA», «YOUR M&S», «DIESEL», «H&M», «Land swith», «MANGO», «UNIQLO», «RALPH LAUREN», «ZARA», «LI-NING», «Adidas», «S.Oliver», «THE NORTH FACE», «UNDER ARMOUR», «COLINS jeans wear», «Dasics», «JORDAN CLASSIC», «Benetton», «LEVI'S», «Joma», «Columbia», «Calvin Klein», «GAP» сингари фирмаларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга тайёр эканлиги ҳам кўрсатади.

2020 йилда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тўқимачилик маҳсулотлари бозорига Франция, Австрия, Кувайт, Венгрия, Филиппин, Люксембург, Греция давлатлари ҳам қўшилди. Таъкидлаш лозимки, Франция, Австрия, Венгрия, Люксембург, Греция Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари таркибига киради.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг ЕИ тўқимачилик маҳсулотлари бозорига кириб бориши, республикамизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг ЕИ бозорларига йўналтирилиши Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

